

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 61-ҳадис

* فمن الأحاديث حديث أبي هريرة رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم: "لا وضوء لمن لم يذكر اسم الله عليه" رواه أبو داود وغيره.

ورويها من رواية سعيد بن زيد وأبي سعيد وعائشة وأنس بن مالك وسهل بن سعد رضي الله عنهم، رويها كلها في "سنن البيهقي"، وغيره، وضعفها كلها البيهقي وغيره.

61/1. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Таҳорат қилаётганда Аллоҳни зикр қилмаган кишининг таҳорати йўқдир», дедилар.

Бу ҳадисни Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилишди.

Байҳақий ва бошқалар ҳам ривоят қилишган ва заиф деб айтишган.

Фасл: Абул Фатҳ Наср Мақсидий: «Бисмиллоҳдан кейин таҳоратнинг бошида қуйидаги дуони ўқиш мустаҳаб», дейдилар:

«Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ». (Маъноси: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Унинг шериги ҳам йўқ деб ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва расули деб гувоҳлик бераман.)

Фасл: Абул Фатҳ Наср Мақсидий таҳорат қилиб бўлгандан кейин ушбу дуо ўқилади дейдилар:

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ. اللَّهُمَّ اجْعَلْني مِنَ التَّوَابِينَ وَاجْعَلْني مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ، سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا

إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ

«Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ. Аллоҳуммажъалний минат таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн. Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдик. Ашҳаду алла илаҳа илла анта астағфирука ва атубу илайка».

(Маъноси: Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Унинг шериги ҳам йўқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва расули деб гувоҳлик бераман. Эй Раббим, бизларни тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қил. Эй Раббим, Сенга ҳамд айтиш билан Сени поклайман. Гувоҳлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сенга истиғфор айтаман ва Сенга тавба қиламан.)

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI